



2020 у « 30 » сентябрь

№ Қ-531

« ___ » _____ 20__ г

**Термиз тумани “Лимонзор” массиви
“Халқабод” маҳалласи худудидан
“Сурхон Дизайн Проект Сервис”
МЧЖга “Иссиқхона” қуриш учун ер
майdonи ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 20 мартдаги ПҚ-4246-сон қарорига асосан, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 12 августдаги 05-02/535-сон йиғилиш баёни ва Термиз туман ҳокимининг 2020 йил 07 июлдаги 01-08/283-сон хатини кўриб чиқиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 12 августдаги 05-02/535-сон йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. Термиз тумани “Лимонзор” массиви “Халқабод” маҳалласи худудидан “Сурхон Дизайн Проект Сервис” МЧЖга туман ҳокимлиги захирасидаги қишлоқ хўжалик харитасининг 99қ-дала контуридаги жами 2,0 гектар қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майdonи қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш мақсадида “Иссиқхона” қуриш вақтинча (10 йил) муддатга фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

3. “Сурхон Дизайн Проект Сервис” МЧЖ раҳбари С.Бегимқуловга: ажратилган ер майdonидан фақат иссиқхона ташкил этиш учун фойдаланиши;

етиштирган маҳсулотларни экспорт қилиши;

мақсадсиз фойдаланганда ёки бир йил мобайнида фойдаланилмаганида ажратилган ер майdonи туман ҳокимлиги захирасига қайтариб олиниши кўрсатиб ўтилсин.

4. Вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (А.Ғаниев) ва Термиз тумани ҳокимлиги (Ш.Уринов) ер майdonи ажратилиши муносабати билан туман ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритишни таъминласин.

5. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари У.Туратов ва А.Орипов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов